




1 МАЙДАН БОШЛАБ...

ЯНГИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жорий йилнинг 1 май кунидан бошлаб амалга татбиқ этилади.



Жумладан, эндиликда конструкциясида хавфсизлик камари назарда тутилган транспорт воситасини бошқарётган ҳайдовчи ва унинг олд ўриндиғидаги йўловчилар ҳаракатни бошлашдан олдин хавфсизлик камарини тақиб олишлари шартлиги белгилаб қўйилди.

Транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан факатгина қулоқчинлар орқали ва кўлларни ишлатмасдан туриб сўзлашувлар олиб бориш имкониятини берадиган бошқа ускуналар ёрдамида фойдаланиш мумкин. Бунда транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле, видеоанитордан теле, видеоас-турларни томоша қилиш ҳамда аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг магнитофон ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратураларни ҳамда двигател шовқинини белгиланган меъёрдан баланд овозда фойдаланиш тақиқланди.

Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлиги соатига 70 километрдан, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига етмасдан ва ундан ўтиб кетиб 300 метрдан кам

таси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле, видеоанитордан теле, видеоас-турларни томоша қилиш ҳамда аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг магнитофон ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратураларни ҳамда двигател шовқинини белгиланган меъёрдан баланд овозда фойдаланиш тақиқланди.

Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлиги соатига 70 километрдан, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига етмасдан ва ундан ўтиб кетиб 300 метрдан кам

масофада 30 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда соатига 20 километрдан оширмаган ҳолда ҳаракатланиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ва йирик шаҳарларда йўл ҳаракати қатнови юқори ва аҳоли гавжум ҳудудларида транспорт воситалари тезлигини 60 километрдан оширмаган ҳолда ҳаракатланишга рухсат этилади.

Эндиликда юк автомобиллари автомобиль йўлларининг четги ўнг бўлағида ҳаракатланишга рухсат этилиб, йўлнинг четги чап бўлағини фақатгина чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш учун эгаллашга рухсат этилади.

Қолаверса, қарорга асосан транспорт воситалари пиёдалар ўтиш жойларида ва улардан олдин 10 метрдан кам масофа қолганда; велосипед йўлкаси билан кесишувда ва улардан олдин 10 метрдан кам масофа қолганда; транспорт воситаларининг қайрилиб олиш жойларида ва унга 30 метр етмасдан ёки ўтиб тўхтаб туриши тақиқланади.

Йўналишли таксилардан ташқари, йўналишли йўловчи ташувчи транспорт воситаларига бекатлардан ташқари жойларда йўловчи олиш ва тушириш тақиқланади.

Шунингдек, одам ташиш учун

мўлжалланган юк автомобили юкхонасининг борти 1,3 метрдан кам бўлмаслиги шарт эканлиги белгиланиб, бунда юкхонанинг пастги қисмида 0,3-0,5 метр баландликда маҳкамланган ўриндиқлар жиҳозланган бўлиши керак.

Эндиликда енгил автомобилларга юк орттиш учун ушбу автомобилнинг том қисмига ўрнатилган юкхонасидаги юкнинг баландлиги 1 метрдан ва узунлиги автомобилнинг габаритидан 0,5 метр ошмаган ҳолда юк ташиш талаб этилади. Фақатгина махсус мосламалар билан мустаҳкамланган ҳолда, велосипедларни ташишга рухсат этилади.

Қарорга асосан велосипедчилар учун ҳам бир қатор мажбуриятлар юклатилди. Эндиликда велосипед йўлкаси бўлмаган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланаётган велосипедчилар сутканинг қоронғу вақтида етарлича кўринмайдиган шароитда нур қайтарувчи элементли парчалари бўлган устки кийимда бўлиши шарт. Ҳамда ушбу нур қайтарувчи элементли парчалар бошқа ҳайдовчилар томонидан кўриниши таъминланиши керак.

Эндигина ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб, транспорт воситасининг руль бошқарувига



ўтирган фуқаролар "Ҳайдовчиликни энди бошлаган" — "Ҳайдовчилик малакаси етарли бўлмаган" ҳамда ҳайдовчилик стаж 2 йилдан кам бўлган ҳолда, механик транспорт воситаларининг орқасига — ичига қора рангли 110 миллиметр баландликдаги "!" белгисининг тасвири тушурилган, сариқ рангли томонлари 150 миллиметр бўлган квадрат кўринишидаги таниқлик белгиси ўрнатилиши белгиланган берилди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, юқоридаги бандда назарда тутилган таниқлик белгиларида бошқа таниқлик белгиларини ўрнатиш, шунингдек, транспорт воситаларининг кузови ва ойналарига турли хил ёзувлар киритиш тақиқланади.

Велосипеднинг олд томонига ок рангли нур қайтарувчи ёки чироқ, орқа томонига қизил рангли нур қайтарувчи ёки чироқ, ён томонларига эса, зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтарувчи ўрнатилмаган бўлса;

юк автомобиллари ва тиркачаларнинг ён томонига зарғалдоқ рангли ва орқа томонига

қизил рангли кузовнинг габарит параметрларини белгилаб турувчи нур қайтарувчилар ўрнатилмаган бўлса;

Ҳайдовчининг жойидан те-варак-атроф кўринишини чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ва қопламалар туширилган ҳамда транспорт воситаси салонидagi ва икки ёнидаги орқа томонни кўриш кўзгусига кўринишини чеклайдиган буюм, нарса ёки жиҳозлар тақилган бўлса транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланади.

Қарорга мувофиқ, йўл ҳаракати қоидаларига яна бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, ҳайдовчи, пиёда ёҳуд йўловчи бўлишдан қатъий назар барча фуқаролар ушбу қоидалар билан танишишлари фойдадан ҳоли бўлмаслигини эслатиб ўтамыз.

Аббос ДАДАШОВ,
Жиззах вилояти ИИБ
ЖХХ Йўл ҳаракати
хавфсизлиги
бошқармасининг Ахборот
хизмати инспектори.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Профилактика инспекторининг вазифалари



Ўзбекистон Республикаси "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар қаторига ички ишлар, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, адлия, божхона, солиқ идоралари киритилган.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган ҳудуднинг тинчлиги ва осойишталиги учун жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, профилактика инспектори ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва бу бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириб боради.

Жиззах шаҳар Сайилжойи маҳалласида жойлашган касб-хунар мактабида Жиноят кодексига кўрсатилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш, соликлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари юзасидан аҳоли билан суҳбат ўтказилди. Тадбирда Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Б.Алимбеков, Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи О.Худойбер-

диев, Ёшлар иттифоқи Жиззах шаҳар кенгаши раиси О.Шарипов, "Сайилжойи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Шокиров, маҳалла профилактика инспектори, капитан Ш.Раббимов ва маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида гапирди.

Йиғилишда қорхона ва ташкилотлар фаолиятида коррупция ҳамда мансаб ваколатини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, жиноят содир этган шахсларга албатта жазо муқаррарлиги, жиноятчиликни олдини олиш бўйича ишларни жонлантириш тўғрисида фикрлар билдирилди.

Нигора ХОСИЛМУРОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 3-босқич курсанти.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Ички ишлар органлари таянч пункти негизига Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу масканлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш бевосита профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган.

Маъмурий ишлардаги муҳим жиҳатлар

Ички ишлар органларида фаолият олиб бораётган соҳавий хизмат ходимларининг ҳозирги кундаги энг муҳим устувор вазифаларидан бири — бу энг аввало жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлашдан иборат. Профилактика инспектори фаолиятини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади ҳамда тегишли тартибда терговга қадар текширув ўтказиб, тегишли тартибда қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддаси, 1-қисми 4-бандида профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий жазо қўллашга доир ҳуқуқбузарликлар келтирилиб ўтилган. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш фаолиятида бевосита маъмурий ҳудудда фаолият олиб боради. Улар ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда тегишли тартибда ўрганиб чиқишлари шарт. Биринчи навбатда терговга қадар текширув ўтказган ҳолда тегишли тартибда маъмурий баённома

расмийлаштиради. Сўнгра баённомада зикр этилган масала Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ қонуний ҳал этилади.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида уларнинг содир этилиш сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартафғ этиш бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил шахсларнинг ўқиш(иш) жойига, қорхона, муассаса ва ташкилотларга тақдимномалар киритади. Бу орқали ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга мураббий тайинланган ҳолда кенг жамоатчилик, маҳалла фаоллари олдига муҳокама қилишлари орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга ҳамда маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлашда самарали натижага эришади.

Сирождин АМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси курсанти.

Зомин туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби томонидан Тожибоева Шахноза Тошпулатовнага 11-синфни битирганлик тўғрисидаги 1994 йилда берилган № 596069 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ш.Рашидов туманидаги 5-умумтаълим мактаби томонидан Каримов Жонибек Орзикуловичга 2006 йилда берилган № 1855651 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Дўстлик тиббиёт коллежи томонидан Усманов Бунёд Комил ўғлига 2019 йилда берилган К № 5453755 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи томонидан Исроилова Муножот Абдурахмоновнага 2009 йилда берилган К № 1455383 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Пахтакор туман давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 2 июнда давлат рўйхатидан ўтган "JIZZAX HUNARMANDLAR O'RGANISH KLASTERI" МЧЖнинг юмалоқ муҳри ва бурчакли тамғаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Жиззах филиали томонидан Алимова Лола Шамамовнага 2020 йилда берилган № 001539 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Зарбдор туман давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 14 февралда давлат рўйхатидан ўтказилган "O'ROZQUL OTA DALASI" фермер хўжалигига Зарбдор туман давлат хизматлари маркази томонидан 2017 йил 9 февралда давлат рўйхатидан ўтказилган "SARDOR O'RAZQULOV" фермер хўжалиги ҳуқуқий ворислик асосида қўшилаётгани муносабати билан тугатилади.

Давро ва эътирозлар эълон чиққан санадан бошлаб бир ой муддатда Зомин тумани, Даштобод шаҳарчаси, "Нурафшон" МФЙ, Ўзбекистон кўчасида қабул қилинади.

"XALQ SUG'URTA" АЖ суғурта компаниясининг Пахтакор туман филиалига тегишли бўлган (А-5) форматдаги қуйидаги: XSU 0002230, XSU 0002232, XSU 0002233, XSU 0002234, XSU 0002241, XSU 0008051, XSU 0008057, XSU 0008067, XSL 0026140, XSL 0026143, XSL 0026178, XSL 0026309, XSL 0026335, XSL 0026435, XSL 0026436, XSL 0026437, XSL 0026439 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Сирождин АМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси курсанти.

БИЛДИРУВ ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2022 йил 2 июнь куни соат 12.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига "Жиззах Дори-Дармон" МЧЖнинг 27.04.2022 йилдаги № 97-сонли бюртмассомасига асосан жамият тасарруфидаги: 1. Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳри, "Мустақиллик" МФЙ, Бинокор кўчаси, 2-уй манзилида 1963,47 кв.м. ер майдонида жойлашган, фойдаланиш майдони 663,15 кв.м.дан иборат **бошланғич баҳоси — 2 200 000 000 сўм** бўлган 6-сонли Дорихона биноси. 2. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Ўсмаат шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 33-уй манзилида 1179,03 кв.м. ер майдонида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 344,03 кв.м., умумий фойдали майдони 886,94 кв.м. дан иборат **бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм** бўлган 8-сонли Дорихона биноси. 3. Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, "Тошкент" МФЙ, А.Қодирий кўчаси, 2-уй манзилида

1910,18 кв.м. ер майдонида жойлашган, қурилиш ости майдони 557,8 кв.м. дан иборат **бошланғич баҳоси — 820 000 000 сўм** бўлган 10-сонли Дорихона биноси қўйилмоқда.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2022 йил 2 июнь куни соат 12.00 да сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 20 июнь, 6, 22 июль, 8, 24 август ҳамда 9 сентябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан бюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилот-чиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир-сига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

— юридик шахслар — давлат

рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо қолибига аукцион савдоси натижалари бўйича қолибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10

кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Тошлоқ маҳалласи, Ш.Рашидов кўчаси, 106-уй.

Заказат пулини тўлаш учун реквизитлар "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. AT "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими.

х/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +99871 205-85-53. www.capitaltrust.uz. Лицензия RR-0298.

ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ХАБАР ҚИЛИДИ

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик жараёни қандай кечмоқда?

Айни пайтда вилоятимизда 2023 йили бўлиб ўтадиган аҳолини рўйхатга олиш жараёниларига пухта тайёргарлик кўриломоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва туманлар, улардаги аҳоли пунктлари ўзгача қиёфага кираяпти. Шу сабабли уларнинг харишталарига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Айтиш жоизки, жорий йилнинг март ойидан бошлаб аҳолини рўйхатга олишнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани вилоят статистика бошқармаси, давлат кадастр палатаси вилоят бошқармаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ўтказилган уй ва хонадонларни рақамлаштириш жараёни бунга яққол мисол бўлади.

2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра Жиззах вилоятида аҳоли 1 450501 нафарни ташкил этиб, шундан 731205 нафари эркаклар, 719296 нафари аёллардир. Аҳоли сони кўрсатилган ҳолда 299 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 524 та аҳоли пунктларида жами 233256 та хонадонлар рўйхати шакллантирилиб, маълумотлар базаси янгиланган. Айни кунларда 2023 йилда бўлиб ўтадиган аҳолини рўйхатга олиш жараёнини вилоятимизда намунали ташкил этиш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ режалаштирилиб бориломоқда.

Вилоят статистика бошқармасининг Рўйхатга олиш жараёниларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими.

НИКОХ

ФХДЁ органларида 2022 йил 1 апрель ҳолатига вилоят бўйича 2109 та никоҳ қайд этилган.

Туманлар (шаҳар) кесимида қуйидагича:

Вилоят бўйича — 2109 та

- Жиззах шаҳри — 318
- Арнасой тумани — 48
- Бахмал тумани — 259
- Галлаорол тумани — 256
- Шароф Рашидов тумани — 312
- Дўстлик тумани — 105
- Зомин тумани — 303
- Зарбдор тумани — 154
- Мирзачўл тумани — 70
- Зафаробод тумани — 72
- Пахтакор тумани — 111
- Фориш тумани — 79
- Янгиобод тумани — 22

ТУФИЛИШ

2022 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда жами 8959 нафар бола туғилган.

Туманлар (шаҳар) кесимида қуйидагича (нафар):

- Жиззах шаҳри — 1600
- Арнасой тумани — 227
- Бахмал тумани — 1015
- Галлаорол тумани — 1136
- Шароф Рашидов тумани — 1239
- Дўстлик тумани — 350
- Зомин тумани — 1151
- Зарбдор тумани — 583
- Мирзачўл тумани — 278
- Зафаробод тумани — 272
- Пахтакор тумани — 500
- Фориш тумани — 474
- Янгиобод тумани — 134

АЖРИМ

2022 йил 1 апрель ҳолатига вилоят бўйича 418 та ажрим қайд этилган.

Туманлар (шаҳар) кесимида қуйидагича: Вилоят бўйича — 418 та

- Жиззах шаҳри — 67
- Арнасой тумани — 12
- Бахмал тумани — 40
- Галлаорол тумани — 48
- Шароф Рашидов тумани — 69
- Дўстлик тумани — 13
- Зомин тумани — 49
- Зарбдор тумани — 17
- Мирзачўл тумани — 19
- Зафаробод тумани — 20
- Пахтакор тумани — 32
- Фориш тумани — 24
- Янгиобод тумани — 8

Вилоят статистика бошқармасининг Демография ва меҳнат статистикаси бўлими.